



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2010 йил 25 июнь, жума

XXI аср садоси
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 123 (11.684) Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқимида

ТАЛАБГА МОС МАҲСУЛОТЛАР

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш, турларини харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кўпайтириб бориш бозор иқтисодиётининг асосий талаблари сирасига кириб, бу вазифаларни уддалаган корхоналар ўз ўрнини топмоқда.

«Чевар» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида замон билан ҳамнафас бўлиш, маҳсулотнинг талабга мос турларини яратиш, сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришга янги технологик ускуна ва дастгоҳлар жорий этилмоқда, эскиларини модернизация қилиш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. Бунинг натижаси ўлароқ «Чевар» савдо маркази билан тайёрланаётган эркалар, аёллар, болалар кийим-кечаклари, миллий байрам либослари, бошқа турдаги тикув маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда.

Президентимизнинг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда муносиб ҳиссамиз бор, — дейди корхона директори Азиз Каримов. — Ҳозирда 100 касаначи ишчи ўрни яратганмиз. Асо-

сан корхона жойлашган маҳаллада истиқомат қилувчи аёлларни уй шароитида меҳнат билан банд қилишга ҳаракат қилганмиз. Улар тегишли қонунда кўзда тутилган барча имтиёزلарга эга, керакли хом ашё, материал, ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани боис корхона ишлаб чиқариши ривожига муносиб улуш қўшишяпти. Шунингдек, иккита шўъба корхонаси ташкил этилган бўлиб, қурилиш соҳаси учун қоғоз қоғлар ишлаб чиқарилади ва иккиламчи хом ашё қайта ишланади.

Маҳсулотлар буюртмалар асосида тайёрланиши баробарида, савдо шохобчалари орқали ҳам харидорларга етказиб берилмоқда. Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, бундан соф фойда салмоғи ҳам кўпаймоқда. Ишчиларга яратилган шарт-шароитлар эса иш сифати ва самарадорлигини таъминламоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 июнь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси А.Тўхташев маъруза қилди. Таъкидландики, қонун лойиҳаси пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялашни жорий этишни, уларнинг қонунга хилоф муомаласи учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутди. Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш лицензияланиши керак.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама қилиниб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар пиротехника буюмлари муомаласи устидан самарали давлат назоратининг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг, ижтимоий хавфсизлик таъминлашининг муҳимлигини таъкидладилар. Моддама-модда муҳокама қилиш чоғида қонун лойиҳасининг айрим нормалари тегишли ҳуқуқий атамаларнинг қўлланиши ва уларнинг шарҳланиши масалалари юзасидан баҳсларга сабаб бўлди. Қонун лойиҳасининг айрим моддалари юзасидан ҳужжатнинг баъзи нормаларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар киритилди. Қонунчилик палатаси тушган тақлифларни инobatга олган ҳолда қонунни қабул қилди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига маъқуллаш учун юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар кўмитаси аъзоси Р.Собиржонов «Монополияга

қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгарттишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу Фармонға биноан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш пайтида депутатлар унинг монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва ҳўжалик юртурувчи субъектлар томонидан нарҳларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймалик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқаролар тадбиркорлик фаолиятига эркин иштирок этиши, уларнинг фаолиятини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиради.

Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонунни қабул қилдилар, у маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.
(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, уларни минтақаларнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга кенг жалб этишга қаратилган қонун ҳужжатлари, мамлакатда қабул қилинган дастурларнинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши масалаларига бағишланган кўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Маҳалла — фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг вазифаларини янада кенгайтириш, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларининг манфаатларини ифодалайдиган сиёсий ва фуқаролик институтларининг, нодавлат ношароит ташкилотларининг ролини кучайтириш бугунги куннинг долзарб талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоҳот Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январ-

даги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг асосий қонда ва ҳулосаларини рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дастури тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш мақсадида «СОС — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими, Хусусий уй-жой мулкдорларининг Тошкент шаҳар уюшмаси,

«Есомактаб» экология-ресурс маркази, Тошкент шаҳри «MILLENNIUM» Ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ногиронлар реабилитация маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси, шунингдек, «Маҳалла» жағфармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлиmlарининг Тошкент шаҳридаги социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга қаратилган фаолияти ўрганилди.
(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ ТОШКЕНТ молия коллежининг «Молиячи» спорт мажмуасида Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи болажонлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ёрни «Қамолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

✓ ТОШКЕНТ маданият коллежида Баркамол авлод йилига бағишланган расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

✓ ЭРТАГА Тошкент шимолий темир йўл вокзалида пойтахт вилоятидаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқарган қорақалпоғистонлик ва хоразмлик болаларни кузатиш маросими бўлиб ўтади.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги «Ўзқўргазмасавдомарказ»да очилган Хитой Халқ Республикасининг Синьцзянь товарлари кўргазмаси Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда яна бир муҳим омил бўлди. Кўргазмада Синьцзянь-Уйғур автоном туманининг 80 та компанияси ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонов номидаги Республика суд-экспертиза марказида «Суд-экспертиза хизмати ва уни такомиллаштириш» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда жорий йилнинг биринчи июнидан кучга кирган «Суд-экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ва уни аҳолига етказиш масалалари хусусида сўз юритилди.

• Кеча Тошкентда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Чехиянинг «Frydantske strojiny Rasi a sun a.s.» компанияси вакилларининг мамлакатимизга ташрифи доирасида тақдимот маросими ўтказилди.

• Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри марказида «Эверест» фирмаси қурувчилари замонавий «Савдо уйи»ни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Замонавий кўринишдаги савдо мажмуасини барпо этиш учун «Қишлоқ қурилиш банки» 800 миллион сўм миқдоридида кредит ажратди. Ушбу замонавий савдо уйининг ишга тушиши билан 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда қарийб минг кишига хизмат кўрсатадиган тўйхона, кўплаб савдо дўконлари аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти.

• Навоий вилояти, Нурота туманидаги «Нурмуҳлис Завкий» хусусий корхонаси негизида мазкур минтақада дастлабки сутни қайта ишловчи цех фойдаланишга топширилди. Янги ишлаб чиқариш корхонаси учун бир кеча-кундузда 700 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга Россия асбоб-ускуналари харид қилинди.

• Шовот туманида тадбиркор Рашид Дусимов сая-ҳаракати билан «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. 63 киши доимий иш билан таъминланган янги корхонада ҳар ойда ўртача 1 миллион донагача хом гишт ва 350 минг донадан зиёд пишиқ гишт тайёрланмоқда.

• Зангиота тумани Бўзсув қишлоғида очилган тўқиш цехи маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Натижада 20 га яқин йигит-қизлар муқим иш ўринларига эга бўлишди.

ЖАҲОНДА

• 26,27 июнь кунлари Канаданинги икки шаҳрида «саккизлик» ва «йигирматалик» давлатларининг саммити бўлиб ўтади. Халқаро анжуман олдидан иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўриляпти.

• Россия Федерацияси президенти Д.Медведевнинг АҚШга ташрифи чоғида мазкур давлат раҳбари Б.Обама билан Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан умумий масалалар бўйича келишувга эришилди.

• Белоруссия ва Россия ўртасидаги газ етказиб бериш билан боғлиқ можаролар ўз ечимини топди.

• Туркиянинг шарқий қисмида курд жангарилари кеча уч кишининг ҳаётига зомин бўлди. Уларнинг икки нафари ҳарбий бўлиб, учинчиси маҳаллий аёлдир.

• Ямайкада қўлга олинган йирик нарқобарон Кристофер Коук кеча АҚШ талабига мувофиқ ушбу мамлакатга экстрадиция қилинди.

• Германиянинг «Брауншвейг — Ганновер» йўналишида юк ташувчи ва йўловчи поезд ўзаро тўқнашиб кетди. Ушбу ҳалокатга юк ташувчи поезд машинистининг йўлни адаштириб юборганлиги ва йўловчи поезд келаётган томонга чиқиб кетганлиги сабаб бўлди. Тўқнашув оқибатида 20 га яқин киши енгил тан жароҳатлари олди.

• Конгода мамлакат пойтахти Браззавиль шаҳри томон ҳаракатланаётган поезд тўртта вагонининг издан чиқиб жарга кулаши натижасида 60 киши ҳаётдан кўз юмган, 30 та одам эса турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Ушбу воқеа муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

